

IMRS

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies



Макроиқтисодий ва
ҳудудий
тадқиқотлар
институти

**"МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИ ЎРГАНАМИЗ"
ТУРПАКЕТИ КОНЦЕПЦИЯСИ**

Дилфуза
Вахабова

I. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти:

Марказий Осиё цивилизациясида Сурхондарё вилояти жаҳоншумул аҳамиятга эга. Худудда қадимги дунё тарихи ва илк давлатчиликка оид археологик топилмалар, буддавийлик ибодатхоналарининг қолдиқлари, ислом дини (тасаввуф мактаби) вакилларининг зиёратгоҳлари жойлашганлиги туристларни жалб қилиш учун жозибадор ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси моддий-маданий мерос объектлари рўйхатига кирувчи 561 та объект ва 8 та музей жойлашган, лекин шунга қарамай ташрифлар сони мавжуд салоҳиятга жавоб бермайди.

***Маълумот учун:** Сурхондарё вилоятида жойлашган музейларга бир йилда ўртача 86,3 минг сайёҳ ташриф буюради, мисол учун Самарқандда ушбу кўрсаткич 1855,9 минг, Бухорода 704,5 минг, Хоразмда 431,8 минг сайёҳни ташкил этади.*

Сурхондарё вилоятининг туристик салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадида мактаб ўқувчилари учун таклиф этилаётган махсус турпакетни амалга ошириш орқали қадимий цивилизация тарихини реал воқелиқда ўрганиш, ўқувчилар орасида ватанпарварлик руҳини кучайтириш, маданий салоҳиятни ривожлантириш ва келажак авлодда маданий мерос объектларини ўрганишга бўлган қизиқишни оширишга қаратилган.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларини жалб қилиш орқали худудда туризм соҳасини янада ривожлантириш янги барқарор иш ўринларининг яратиш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириш имконини беради.

II Концепциянинг асосий мақсади, вазифалари, иштирокчилари:

Асосий мақсад ўрта мактаб ўқувчиларини Сурхондарё вилоятининг муҳим археологик ва маданий обидаларига мутахассис гидлар билан ташриф буюриши орқали мавжуд бой тарих ва маданият билан таништириш, уларда аниқ фактларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш кўникмаларини ва ватан тарихига бўлган ижобий фикрларни ҳамда ғурурларини оширишдан иборат.

Вазифалари

- Сурхондарё вилоятидаги маданий мерос объектлари ва музейларига ўрта мактаб ўқувчиларининг ташрифларини ташкиллаштириш;

- ўрта синф ўқувчиларининг Марказий Осиё цивилизациясини шаклланиши, унинг глобал маданият ва фаннинг ривожланишига қўшган ҳиссаси тўғрисидаги билимларини ошириш;

- фактлар асосида талқин қилиш, қиёсий ва танқидий фикрлаш кўникмалари ҳамда фанга қизиқишларини ошириш учун реал амалий машғулотларни ташкиллаштириш;

- мактаб ўқувчилари ҳамда уларни қўллаб-қувватловчиларнинг (маҳаллий ҳокимият, мактаб маъмурияти, ота-оналар) талабларидан келиб чиққан ҳолда махсус ахборотлар платформасини шакллантириш;

- туристик салоҳият оқимидан келиб чиққан ҳолда туризм инфратузилмасини ривожлантириш;

- келажакда вилоятда ички туризм оқимини кенгайтиришнинг ушбу услубини мамлакатнинг бошқа ҳудудларида кенг татбиқ этиш.

III. Мақсадли туристик оқимни шакллантириш босқичлари.

I босқич. Сурхондарё вилояти ўқувчиларининг саёҳатини ташкил этиш;

II босқич бошқа вилоятлар умумтаълим мактабларининг 6-синфдан юқори (12-18 ёш) ўқувчиларини туристик саёҳатга жалб қилиш.

IV. Концепциянинг устувор йўналишлари:

- ўқувчиларда миллий қадриятлар, тарих ва ватанпарварликка бўлган муносабатларни шакллантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- саёҳатни амалга оширишни ташкил этувчи ва хавфсизликни таъминловчи кадрларни тайёрлаш;

- ўрта умумтаълим тизимини амалиёт билан бевосита боғлаш;

- ўрта мактаб ўқувчиларининг талабларидан келиб чиқиб санитар-гигиеник инфратузилмани ривожлантириш;

- транспорт ва логистика хизмат тизимини мақсадли туристларга мос ҳолда такомиллаштириш;

- турпакетни амалга оширишга бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштириш омилларини аниқлаштириш;

- ўқувчилар туризмни ривожлантириш учун давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан имтиёзлар тизимини шакллантириш.

V. Концепцияни амалга ошириш механизмлари:

- ўқувчиларнинг хавфсиз саёҳат қилиши билан боғлиқ институционал ва ташкилий механизмларни такомиллаштириш;

- туризм маршрути йўналишидаги мавжуд инфратузилмани инвентаризациядан ўтказиш;

- туризм маршрути бўйича пиёдалар йўлаклари ва санитар-гигиеник масканларни (СГМ) инклюзивлик талабларини ҳисобга олган ҳолда стандарт асосида қайта таъмирлаш;

- туризм маршрути йўналишида экспертлардан иборат ишчи гуруҳ бошчилигида ўқувчилар учун зарур СГМлар барпо этиш зарур жойларни аниқлаш;

- давлат хусусий шерикчилик асосида туризм маршрути йўналишида хизмат кўрсатувчи СГМни (ҳожатхона, Food courtлар, супермаркет, дам олиш хоналари, она ва бола хоналари, АЁҚШ, электромобиллар учун қувватлаш станциялари) барпо этиш;

- СГМларни туристик хариталарга киритиш;

- ҳар бир СГМ ва туристларни жойлаштириш объектларнинг ҳолати ва хизмат сифатини иловалар орқали мижозлар томонидан баҳолаш тизимини жорий қилиш (юлдузчалар қўйиш);

- турпакет маршрутлари, мавжуд инфратузилма ва нархлари билан батафсил маълумотлар тақдим этувчи портал яратиш;

- турпакет доирасида иштирокчи субъектларнинг яхлит тизим сифатида фаолият юритишини ташкил этиш;

- туристларни қабул қилиш ва жойлаштириш объектлари ходимларини “O‘Z DST 3220:2023” туризм талаб стандартлари бўйича қайта тайёрлаш;

- Сурхондарё вилоятида туризм соҳасида 10 тадан ортиқ иш ўрини яратган юридик шахсларга ишчилари ойлик маошининг 30 фоизини давлат томонидан қоплаб бериш;

- Сурхондарё вилоятида умумтаълим мактаб ўқувчилари учун тадбирлар ташкил қилишга танлов асосида грант ажратиш;

- республика миқёсидаги мактаб ёшидагиларнинг спорт тадбирларини Сурхондарё вилоятида ҳам мунтазам ўтказишни ташкил этиш;

- туризм талаб стандартларига (юлдузчалар асосида баҳолаш орқали) жавоб берувчи юридик шахсларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш;

- ҳудудлараро туризм операторлари орасида махсус турпакетларни шартнома асосида таклиф қилиш тизимини ривожлантириш;

- иқтисодий механизмлар (мактабларда ҳомийларни жалб қилган ҳолда саёҳат фондини ташкил қилиш) орқали ушбу туризм йўналишини қўллаб-қувватлаш;

- рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, жумладан археология музейида экспонатларни планшет ёки смартфонлар орқали жонлаштирувчи иловалар яратиш, экспонатларни голограмма, тўлдирилган воқеликлар яратиш бойитиш;

- ўқувчиларга хизмат кўрсатувчи махсус автобусларни ишлаб чиқариш (қайта таъмирлаш)ни ташкил этиш ва инвесторларни жалб этиш;

- вилоят туризм бошқармаси, Термиз давлат университетининг “Иқтисодиёт ва туризм” факультети билан ҳамкорликда Сурхондарё туризм субъектлари орасида талабни ўрганиш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

- Сурхондарё вилоятига ўқувчиларнинг ташрифини ташкил қилиш бўйича **2025-2026 йиллар** учун режа ишлаб чиқиш ва махсус платформада тарғибот қилиш.

VI. Эришиладиган асосий натижалар:

- йилига **50-60 минг** ўқувчини турпакет доирасида саёҳат қилишини таъминланади (1-илова);

- ўрта мактаб ўқувчиларининг академик муваффақиятлари ва таълим-тарбия сифатини оширишга эришилади;

***Маълумот учун:** Тадқиқотга кўра ўқувчиларнинг музей, санъат галереялари, тарихий обидаларга саёҳат қилиши уларнинг “ўқиш” бўйича умумий балларини ўртача 2,65 га оширади, спорт тадбирларида кузатувчи сифатида иштирок этиши математика бўйича балларини ўртача 1,67 га оширади.*

Сурхондарё вилояти туризм хизматлари соҳасида бандлар бўлганларнинг малакаси ошади;

- барча зарур жойларда СГМларнинг яратилиши орқали туристларнинг қулай саёҳат қилиши таъминланади;

- аҳоли орасида туристларга хизмат қилиш маданияти ривожланади;

- туризм ва у билан боғлиқ билан йўлдош соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сонини ошиши таъминланади;

- муҳим туристик ҳудудлар сифатли инфратузилма билан таъминланади;

- вилоятга ички туризм оқими 2 марта ошишига эришилади;

- талаб асосида шаклланган замонавий туризм инфратузилмаси шакллантирилади;

- кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш натижасида, аҳоли даромадлари ва бандлигини ошиши таъминланади.

**Сурхондарёда ўқувчи сайёҳлар учун жозибадор объектлар
рўйхати**

1. Сополлитепа ёдгорлиги;
2. Жарқўтон ёдгорлиги;
3. Далварзинтепа (мил.ав. I аср охири- мил.бошлари);
4. Фаёзтепа буддавийлар ибодатхонаси (мил. I-III асрларга оид);
5. Қоратепа ёдгорлиги (мил. I-III асрларга оид);
6. Зарутсой қоятош суратлари;
7. Тешиктош ғори;
8. Эски Термиз;
9. Ҳаким Термизий мажмуаси;
10. Султон Саодат мажмуаси;
11. Қирққиз қалъаси;
12. Кокилдор ота зиёратгоҳи;
13. Хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳи;
14. Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи;
15. Омонхона булоғи ва қамари Азиз зиёратгоҳи;
16. Сангардак шаршараси ва бошқалар.

ИЛОВА 2.**2025-2030 йилларда ўрта мактаб (6-11 синф) ўқувчиларини
“Марказий Осиё цивилизациясини ўрганамиз” турпакети
доирасида саёҳатга жалб қилишнинг мақсадли параметрлари**

		2025	2026	2027	2028	2029	2030
1	Ўзбекистон Республикаси	5 400	66 800	68 200	69 600	71 000	72 400
2	Қорақалпоғистон Республикаси		3 700	3 800	3 900	4 000	4 100
3	Андижон		6 200	6 300	6 400	6 500	6 600
4	Бухоро		3 400	3 500	3 600	3 700	3 800
5	Жиззах		2 700	2 800	2 900	3 000	3 100
6	Қашқадарё		6 700	6 800	6 900	7 000	7 100
7	Навоий		1 900	2 000	2 100	2 200	2 300
8	Наманган		5 400	5 500	5 600	5 700	5 800
9	Самарқанд		7 900	8 000	8 100	8 200	8 300
10	Сурхондарё	5 400	5 400	5 500	5 600	5 700	5 800
11	Сирдарё		1 700	1 800	1 900	2 000	2 100
12	Тошкент		5 400	5 500	5 600	5 700	5 800
13	Фарғона		7 100	7200	7300	7400	7500
14	Хоразм		3 900	4 000	4 100	4 200	4 300
15	Тошкент шаҳри		5 400	5 500	5 600	5 700	5 800

Турпакет тўғрисида тўлиқ маълумот

Турнинг давомийлиги:

2 кеча / 3 кун

Турнинг хусусиятлари:

- Тур дастури тарих ва маданиятга оид билимларни чуқурлаштиришга қаратилган интерфаол дарслар, квестлар ва ижодий маҳорат дарсларидан ташкил топади;
- саёҳат давомида болаларнинг хавфсизлиги ва қулайлиги таъминланади;
- махсус тайёрланган гид ва ўқитувчилар хизмат қилади.

"Марказий Осиё цивилизациясини ўрганамиз" турпакети бўйича 3 кунлик (пилот) маршрут

1-кун: "Табиат қўйнида 1 кун" маршрути

- Қумқўрғон темир йўл станциясида соат 7.30-8.00 да тушилади;
- Сангардак шаршарасига автобусда 2 соат борилади (манзилга етиб бориш соат 10.00да);
- Табиат қўйнида фотосуратлар олиш, тушлик қилиш;
- Термиз шаҳрига йўлга тушиш;
- Меҳмонхонага жойлашиш.

2-кун: "Қадимги Термиз" маршрути

- Нонушта қилиш;
- Термиз археология музейига ташриф (қадимги дунё цивилизацияси ҳақида маълумотлар, макетлар билан танишиш);
- Музейдан 10 км узоқликдаги Термиз шаҳрининг тарихий қисмига саёҳат давомида кейинги объект ҳақида маълумотлар: Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи; Қирққиз қалъаси; Кокилдор ота хонақоҳи; Султон Саодат мажмуаси).

3-кун: "Буддизм тарихи" Термиз-Шўрчи-Денов туризм маршрути:

- Фаёзтепа;
- Қоратепа;
- Зурмала ступаси;
- Далварзинтепа;
- Холчаён ёдгорликлари.

2-кунлик турпакет харажатлари ҳисоб китоби

Вилоятлар	Темир йўл чиптаси*	Авиа-билет*	Такси*	Меҳмонхона 1 сутка учун	Овқатланиш 4 маҳал	Жами харажатлар темир йўл билан борилганда	Жами харажатлар махсус автобусда борилганда
Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача	475 312		348 562	152 100	103 200	730 613	603 862
Андижон	507 000	-	443 625	152 100	103 200	762 300	698 925
Бухоро	380 250	-	253 500	152 100	103 200	635 550	508 800
Жиззах	380 250	-	316 875	152 100	103 200	635 550	572 175
Қашқадарё	253 500	-	190 125	152 100	103 200	508 800	445 425
Навоий	507 000	-	316 875	152 100	103 200	762 300	572 175
Наманган	633 750	-	443 625	152 100	103 200	889 050	698 925
Самарқанд	380 250	-	253 500	152 100	103 200	635 550	508 800
Сирдарё	380 250	-	443 625	152 100	103 200	635 550	698 925
Фарғона	507 000	-	570 375	152 100	103 200	762 300	825 675
Хоразм	633 750	-	-	152 100	103 200	889 050	255 300
Қорақалпоғистон Республикаси	760 500	-	697 125	152 100	103 200	1 015 800	952 425
Тошкент шаҳри	380 250	70	253 500	152 100	103 200	635 550	508 800

3-кунлик турpaket харажатлари ҳисоб китоби

Вилоятлар	Темир йўл чиптаси*	Авиа-билет*	Такси*	Меҳмонхона 2 сутка учун	Овқатланиш 6 маҳал	Жами харажатлар темир йўл билан борилганда	Жами харажатлар махсус автобусда борилганда
Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача	475 312		348 562	304 200	154 800	934 313	807 562
Андижон	507 000	-	443 625	304 200	154 800	966 000	902 625
Бухоро	380 250	-	253 500	304 200	154 800	839 250	712 500
Жиззах	380250	-	316 875	304 200	154 800	839 250	775 875
Қашқадарё	253 500	-	190 125	304 200	154 800	712 500	649 125
Навоий	507 000	-	316 875	304 200	154 800	966 000	775 875
Наманган	633 750	-	443 625	304 200	154 800	1 092 750	902 625
Самарқанд	380 250	-	253 500	304 200	154 800	839 250	712 500
Сирдарё	380 250	-	443 625	304 200	154 800	839 250	902 625
Фарғона	507 000	-	570 375	304 200	154 800	966 000	1 029 375
Хоразм	633 750	-	-	304 200	154 800	1 092 750	459 000
Қорақалпоғистон Республикаси	760 500	-	697 125	304 200	154 800	1 219 500	1 156 125
Тошкент шаҳри	380 250	70	253 500	304 200	154 800	839 250	712 500

*Нархлар бориш ва қайтишни ҳисобга олган ҳолда 1 АҚШ доллари 12675 сўм курсда (26.июль 2024 йил ҳолатига) ҳисобланган.

Меҳмонхона харажатлари 1 та хонага 3 кишини жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда 12 АҚШ долларини ташкил этади¹.

Статистика агентлигининг маълумотларига кўра Сурхондарё вилоятида 1 кишилик ош 25800² сўм.

¹ Hotel ASSOM +99876 2244366

² https://t.me/statistika_rasmiy/4746ҳа

1 нафар ўқувчининг 3 кунлик тур харажатлари= транспорт (бориш, қайтиш) +меҳмонхона (2 сутка) +6 марта овқатланиш=475 минг сўм (республика бўйича ўртача)+(152,1 минг сўм*2 сутка)+(25,8 минг сўм*6) =934,313 минг сўм

1 нафар ўқувчининг 2 кунлик тур харажатлари= транспорт (бориш, қайтиш) +меҳмонхона (1 сутка) +4 марта овқатланиш=475 минг сўм (республика бўйича ўртача)+(152,1 минг сўм*1 сутка)+(25,8 минг сўм*4) =730,613 минг сўм